

## ПРОФЕССИОНАЛ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ФАНЛАРАРО ИНТЕГРАЦИЯНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Мавлонов Равшанбек Абдужабборович  
Наманган мұхандислик-қурилиш институти

### АННОТАЦИЯ

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқарышнинг юқори малакали, профессионал мобил мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари ва касбий тайёргарликни такомиллаштиришида юқори малакали мутахассисларнинг билимларни чуқурлаштириши ва кенгайтиши, таълим мазмунини бойитиш талааб этилмоқда.

Мақолада профессионал таълим тизимида фанлараро интеграцияни амалга оширишининг долзарблиги, касбий йўналишни кучайтиши, ностандарт ва ижодий фикрлашни ривожлантириши каби масалалар ёритилган.

**Калим сўзлар:** кадрлар тайёрлаш, интеграция, профессионал, мобил, касбий тайёргарлик, педагогик тафаккур.

### АННОТАЦИЯ

В условиях рыночной экономики возникает необходимость углубления и расширения знаний высококвалифицированных специалистов, обогащения содержания образования с целью повышения потребности производства в высококвалифицированных, профессиональных мобильных специалистах и профессиональной подготовки.

В статье рассматриваются такие вопросы, как актуальность междисциплинарной интеграции в системе профессионального образования, усиление профессиональной направленности, развитие нестандартного и творческого мышления.

**Ключевые слова:** обучение, интеграция, профессиональная, мобильная, профессиональная подготовка, педагогическое мышление.

### ABSTRACT

In a market economy, the needs of production for highly qualified, professional mobile specialists and the improvement of professional training require deepening and expanding the knowledge of highly qualified specialists, enriching the content of education.

The article addresses issues such as the relevance of interdisciplinary integration in the vocational education system, strengthening the professional orientation, the development of non-standard and creative thinking.

**Key words:** training, integration, professional, mobile, vocational training, pedagogical thinking.

## **КИРИШ**

Хозирги замонда таълим муассасаларида олган билимларидан ўз касбий фаолиятида кенг ва онгли равишда фойдалана оладиган мутахассисларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Ёш мутахассисларни тайёрлаш йўналишларидан бири профессионал таълим ҳисобланади. Профессионал таълим тизимининг вазифаси касбий ҳаракатчан, ишлаб чиқаришни доимий янгиланиб турувчи шароитларига тез мослаша оладиган, ўз ўзини назорат қила оладиган мутахассисларини тайёрлашдан иборат.

## **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йилнинг 7 авгуустдаги «Ўзбекистон республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги 466-сонли қарорига профессионал таълим муассасалари худудларнинг демографик, ижтимоий-иктисодий ва географик шароитларини, меҳнат бозорининг тегишли соҳа мутахассисларига бўлган талабини, манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг кадрларга бўлган эҳтиёжи ҳамда олий таълим тизими билан интеграциялашган таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлашни ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади ҳамда бошланғич профессионал таълим босқичида кадрлар тайёрлаш умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган групкаларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурларига асосан касб-ҳунар мактабларида амалга оширилади<sup>1</sup> [1].

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришнинг юқори малакали, профессионал мобил мутахассисларга бўлган эҳтиёжлари ва касбий тайёргарликнинг етарли даражада эмаслиги ўртасида кескин қарама-қаршилик мавжуд. Юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга ўтиш асосий билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш, таълим мазмунини келажакдаги

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида. 7.08.2020 йил. 466-сон.

касбий фаолиятнинг асосий турлари ва объектлари бўйича фарқлаш ва интеграциялаш, касбий йўналишни кучайтириш, ностандарт ва ижодий фикрлашни ривожлантириш, бўлажак мутахассисларнинг тадқиқот қобилиятларини шакллантиришни талаб қиласди [2].

Жамият тараққиётида ўрта касб-хунар таълими тизими муҳим ўрин тутади. Замонавийишлабчиқариш техник ходимлардан юқориқасбийва педагогик билимларниталабқилади.

Бундаймутахассисларнитайёрлаш,

ўкувчишахсинишакллантиришвоқеликниаксэттирувчитаълимватарбия модели доирасидаамгаоширилсагинасамарали бўлади. Шунингдек, бу модел ривожланиб бориши билан ҳақиқатга яқинлашади ва охир-оқибат унга ўтади. Бу эса ўқитувчилардан фанга муносабатини ўзгартиришни, таълимнинг замонавий назариясини пухта эгаллашни, янги типдаги педагогик тафаккурни шакллантиришни талаб қиласди. Буларнинг барчаси касб-хунар таълимида таълим жараёнини фаоллаштиришнинг ажралмас шарти ҳисобланади [3].

Ўрта касб-хунар таълими тизимининг ўзига хос хусусияти - ўқитишининг икки турини - умумий таълим ва маҳсус фанларни бир вақтнинг ўзида амалга оширишидадир. Муҳандислик ва ишлаб чиқариш технологиясининг доимий ўзгариши шароитида ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлаш умумий таълим ва маҳсус-техник билимларнинг органик бирикмасига асосланган бўлиши керак. Шунинг учун ҳам касбий педагогик фаолиятнинг муҳим муаммоларидан бири бўлажак мутахассисларни ўрта касб-хунар таълими шароитида ўқитишининг мазмуни, шакллари ва усуслари бўйича интеграциялашдан иборат.

Шу муносабат билан маҳсус техник ва умумий таълимни интеграциялаш муаммоси алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, бу ўрта касб-хунар таълим муассасаларида таълим жараёнини фанлараро интеграция асосида оқилона қуриш имкониятларини ўрганиш вазифасини қўйишни талаба қиласди.

Фанлараро интеграция муаммоси педагогиканинг илмий асосларини ривожлантириш учун ҳам, ўқитувчиларнинг амалий фаолияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бу таълим мазмунини тизимлаштириш муаммоси билан боғлиқ бўлиб, унинг асосий масалалари таълим мазмунининг таркибий элементларини ажратиб олиш ва улар ўртасидаги алоқаларни аниқлашдан иборат.

Сўнгги ўн йилликда интеграциянинг турли жиҳатларига қизиқиш ортиб бормоқда. Педагогикада интеграция муаммоларини ўрганиш бўйича етарлича бой тажриба мавжуд. Интеграция муаммоларни ўрганишга, ишлаб чиқиш, таълим назарияси ва амалиёти соҳасидаги интеграция жараёнларини таҳлил қилишгабагишланган маҳсус илмий тўпламлар ва педагогик интеграциянинг

маълум жиҳатларини очиб берувчи монографиялар тайёрланган. Педагогикада интеграция муаммосининг турли жиҳатлари таниқли олимлар томонидан ўрганилган [4].

Сўнгги пайтларда олиб борилган қатор тадқиқотларда интеграциянинг педагогик ҳодиса сифатида моҳияти (В.С.Безрукова, Л.В.Тарасов. Н.К.Чапаев), алоҳида фанларни ўрганишдаги интеграциянинг кўнималари ва турлари (Г.И.Батурина, С.В.Василева, А.В.Усова, Г.Ф.Федоров), фанлараро ва таълимни интеграциялаш усуллари (Д.Зверьев, В.Н.Максимова), фанлараро алоқалар умумий ва маҳсус техник таълимнинг бирлиги сифатида (К.Ш.Ахияров, А.Ф.Амиров. С.Я.Батышев, В.А.Волков, Д.М.Кирюшкин, И.М.Низомов, М.И.Махмутов, П.З.Тагаръер, В.Н.Федорова)лар томонидан тадқиқ қилинган.

Аммо техникум ва коллежларда ўрта бўғин мутахассисларини тайёрлашда фанлараро интеграция муаммоси ҳалигача мустаҳкам назарий асосга эга бўлмаган. Ушбу мавзу бўйича тадқиқотларнинг аксарияти алоҳида ўқув фанлари ўртасидаги муносабатларнинг алоҳида масалаларига бағишиланган. Шу билан бирга, фанлараро интеграциянинг умумий назарий асосларини ишлаб чиқишида қатор тадқиқотлар натижалари алоҳида қизиқиш уйғотади [5].

Психологик-педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, техникумлар ва коллежлар тажрибасини ўрганиш, биринчидан, педагогик интеграция унинг фаолиятини услубий, назарий ва амалий даражада ўрганилишини таъкидлаш имконини беради; иккинчидан, педагогик интеграциянинг объектив асослари ва омилларини аниқлашга реал ёндашувлар мавжуд.

Ўрта касб-хунар таълими тизимининг илмий асосланган шарт-шароитлари асосларини ўрганишнинг объектив заруратишаҳснинг меҳнат фаолияти, улардаги субъект тизимининг қарама-қаршиликларини кучайтирадиган интеграция жараёнларини талаб қиласди.

## **ХУЛОСА**

Шундай қилиб, маҳсус фанларни мақсадга мувофиқ интеграциялаш фоясини амалга оширишда ўрта касб-хунар таълими тизимида кадрлар тайёрлашни ташкил этиш назарияси ва амалиётига бўлган эҳтиёж, ўқув жараёнида улардан фойдаланиш шартлари ва услубий тавсияларининг етарли даражада илмий асосланмаганлиги, шунингдек, ўрта касб-хунар таълими тизимида фанлараро интеграциянинг мазмунли технологик асосларини ишлаб чиқиши муаммосини ҳал қилиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

## REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. Ўзбекистон республикасида узлуксиз бошланғич, ўрта ва ўрта маҳсус профессионал таълим тизимини тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш түгрисида. 7.08.2020 йил. 466-сон.
2. Ахлибинский С.В. Категориальный аспект понятия интеграции // Диалектика как основа интеграции научного знания: Межвузовский сб. Под ред. А.А.Корольского, И.А.Майзеля. - Л.: Изд-во ЛГУ, 1984
3. Безрукова В.С. Педагогическая интеграция: сущность, состав, механизмы реализации // Интеграционные процессы в педагогической теории и практике: Сб. науч. тр.- Свердловск, 1990.
4. Mavlonov, R. A. (2021). Qurilish konstruksiyasi fanini fanlararo integratsion o'qitish asosida talabalarni kasbiy kompetentligini rivojlantirish metodikasi. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 600-604.
5. No'Manova, S. E. (2021). TA'LIM JARAYONIDA TALABALARNING AMALIY BILIMLARINI RIVOJLANTIRISH METODIKASI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 585-589.
6. No'Manova, S. E. (2021). QURILISH MATERIALLARI, BUYUMLARI VA KONSTRUKSIYALARINI ISHLAB CHIQARISH. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1(9), 605-608.